## КОМСОМОЛГА В. И. ЛЕНИН НОМИ БЕРИЛГАНЛИГИГА 60 ЙИЛ ТЎЛДИ




«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ, КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ БУНДАН БУЁН ҲАМ ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИ МУНОСИБ РАВИШДА ДАВОМ ЭТТИРАДИГАН, МАМЛАКАТ ТАҚДИРИ УЧУН, СОЦИАЛИЗМ ВА ТИНЧЛИК ТАҚДИРИ УЧУН ЮКСАК ТАРИХИЙ МАСЪУЛИЯТНИ БИЛГАН, КЕКСА АВЛОДЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИНИ ЎЗЛАШТИРИБГИНА ҚОЛМАЙ, УНИ ЎЗ ИШЛАРИ БИЛАН БОЙИТИШГА ҲАМ ҚОДИР БЎЛГАН ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ ЎСТИРАДИЛАР, ДЕБ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ».

(КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қароридан).




# ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРГА СОДИҚМИЗ

Ленин комсомоли босиб ўтган шонли йўл жанговар ва меҳнат зафарларига бурканган ёрқин саҳифаларга бой. 60 йилдирки, комсомол жаҳондаги биринчи социалистик давлатнинг асосчиси улуғ Лениннинг номини шарафлаб келмоқда. Ёшлар янги жамият барпо этишда, она-Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун курашларда мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Областимиз комсомол-ёшлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини ошириб бажариш йўлида матонат билан меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунда область ишлаб чиқаришида 320 мингдан зиёд комсомол йигит-қиз иштирок этяпти. Жойларда 4 мингдан ошиқ комсомол-ёшлар коллективи фаолият кўрсатмоқда. БАМ, «Атоммаш» қурилишлари ва Ноқоратупроқ зоналарни ўзлаштираётган кўнгиллилар сафида областимизнинг 2,5 мингдан зиёд ёш вакиллари бор.

Ёшлар партиянинг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процентга ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш топшириғини ўзларининг энг асосий вазифалари сифатида қабул қилдилар. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг Наримон Ислямов, 160-қурилиш трестининг Валентин Жарков бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ушбу муҳим топшириқни иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига бажаришга аҳд қилганлар. Ҳар икки бригаданинг оловқалб ёшлари ўн биринчи беш йиллик планини 1 майда бажаришди. Ҳозирги пайтда улар 1986 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишламоқдалар.

«Узбекметаллургстрой» тресті 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Рифат Османов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари республикамиз юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилганлар. Улар В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг «300-стан» комплекси қурилишида иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. «Пискент» совхозининг Дилбар Норматова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ҳам юбилейолди социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, давлатга мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида самарали ишламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларида ва ўртоқ К. У. Черненконинг Умумармия комсомоли анжуманида сўзлаган нутқида комсомол ташкилотлари олдига ёшларни коммунистик идеалларга, революцион анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий, гражданлик, ахлоқий фазилатларини шакллантиришни янада яхшилаш вазифаси қўйилди. Областимиз комсомол ташкилотлари ҳозирги пайтда бутун идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни ана шу талаблар асосида олиб бормоқдалар.

Ҳозирги пайтда бўлиб ўтаётган комсомол йиғилишларининг формалари ҳам ўзгариб бораётганлиги яхши натижалар бераётир. Уларда олдиндан тайёрлаб қўйиладиган баландпарвоз сўзлардан иборат нутқлар, узундан-узоқ қарорлар қабул қилиш каби кераксиз дабдабалар йўқолиб бормоқда. Комсомоллар йиғилишларда муҳим муаммоларни, ишлаб чиқаришдаги камчилик ва нуқсонларни дадил айтмоқдалар.

«Миконд» заводи, «Узбекшахтострой», «Узгипросельстрой» трестлари, «Узгипросельстрой» лойиҳалаш институти каби корхона, ташкилот ва муассасалардаги комсомол ташкилотлари ёшлар билан ишлашнинг янги формаларидан фойдаланаяпти. Бу жойларда иш бошланишидан олдин коллектив бўлиб газета ва журналлар ўқиш, проблематик мақолаларни муҳокама қилиш анъанага айланиб қолди. Йиғилишларда шу куннинг энг долзарб масалалари кўриляпти.

Яқинда область комсомол комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ёшлар ўртасида чет эл модасига кўр-кўрона берилиш сабабларини аниқлаш мақсадида пойтахтдаги олий ўқув юртларининг талабаларига анкета тарқатди. Кўпгина ёшлар бачкана модаларга берилишни енгилтаклик деб баҳоладилар, айрим тенгдошларининг диний ақидаларга мойиллик билдираётганликларини кескин қораладилар. Шаҳардаги 110-, 124-мактабларда шу темаларда қизиқарли мунозаралар ўтказилди.

Партия Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари ва ўртоқ К. У. Черненконинг Умумармия комсомоли йиғилишида сўзлаган нутқида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, кекса авлоднинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш савиясини янада юқорига кўтариш юзасидан конкрет вазифалар белгилаб берилди.

Ёшлар ўртасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг комсомол ташкилоти ибратли тадбирларни амалга оширяпти. Корхонада ёшларнинг сайлаб қўйилган активлар, меҳнат ветеранлари билан учрашувлари мунтазам уюштирилади.

Бу соҳада Чирчиқ шаҳар комсомол комитетида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда актив ҳаётий позицияни қарор топтириш, ҳар бир комсомол-ёшни шаҳарнинг социал-иқтисодий проблемаларини ҳал қилишда шахсий масъулликни ҳис этишга ўргатиш шаҳар комсомол ташкилотлари фаолиятининг асосини ташкил этяпти.

Аммо айрим комсомол ташкилотларида мавжуд иш формалари бугунги талабларга тўлиқ жавоб бермаётир. Улар тажрибасида ҳамиша комсомолга хос бўлган ижодий изланиш, новаторлик, реал ҳаётдан келиб чиқадиган дадил экспериментлар етишмайди. Кўпгина район комсомол комитетлари ва бошланғич ташкилотларда ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланмайдилар. Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко Умумармия комсомоли кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, комсомол комитетлари мавжуд иш формаларини танқидий анализ қилиб, уларни маълум маънода қайтадан чамалаб кўришлари керак. Областимиз комсомол ташкилотлари ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёшларни давримизга муносиб қилиб тарбиялаш, уларда Ватанга садоқат ва меҳнат активлиги туйғуларини ўстиришга эътиборни янада кучайтиришлари зарур.

**Х. АБДУРАИМОВ,**
**область комсомол комитети секретари.**



● Сарибой ТЕЛЕБОВ Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг Жанар Ёқубова бошлиқ бригадасида кўп йиллардан бери механизаторлик қилиб келаяпти. У ўз агрегати билан далаларга чигит қадади, ғўзаларни культивациядан чиқарди, озиқлантирди. Ҳозир ҳам дала ишларида актив қатнашаяпти. Бригада ёшлари бу йил ҳар гектар майдондан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Суратда: ёш механизатор Сарибой Телебов.

А. Мальцев фотоси.



● Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг зарбдор тўқувчиси Татьяна Агофонова ўрта мактабни тамомлаб келаётган қизларга мураббийлик қилмоқда. Унинг таълимини олаётган ёшлардан А. Усмонова ва А. Абзалова ҳозирги кунда тўқувчилик сирларини пухта эгалламоқдалар.

Суратда: устоз тўқувчи Т. Агофонова (ўнгда) ўз шогирдлари билан.

М. Нуриддинов фотоси.

# ҲАЁТ САБОҒИ

Районимиздаги 25-ўрта мактабни битирган ўқувчиларнинг кўпчилиги жонажон қишлоқларида қолиб ишламоқдалар. Бу йил ҳам шундай бўлди. Мактаб комсомол ташкилотининг тавсияси билан ўнинчи синфни тугаллаётган ўн бир қизга «Красний водопад» тажриба экспериментал базасининг машҳур сут соғувчиси А. Чудная мактабига йўлланма берилди.

Умуман, А. Чудная мактабида район комсомол ташкилоти йўлланмаси билан ҳар йили 15—20 қиз машинада сут соғиш сирларини пухта ўрганиш учун юборилаяпти. Ёшларнинг ишлаб чиқаришда юксак марраларни эгаллашида, чорвачиликда техникадан самарали фойдаланишда шу илғор тажриба мактаби асқотяпти.

Районимиз хўжаликлари сут-товар фермаларида 9 та комсомол-ёшлар звеноси ташкил этилган. Уларда 60 га яқин меҳнатсевар ёшлар ишлашяпти. Бу звенолар чорвадорлар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришяпти. Район партия комитетининг бюроси бир группа сигир соғувчиларнинг республикамиз юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллади. «Политотдел» колхозининг Ф. Гаязова, Л. Кузнецова, «Правда» колхозининг Л. Амон, Л. Крашенильникова, Свердлов номли колхоздан М. Бойтихович, «Ленинский путь» колхозидан Р. Шаропова кабилар ҳар бир сигирдан йил охиригача 4,5—5,5 минг килограммдан сут соғиб олишга қарор қилганлар. Ҳозирнинг ўзида улар ҳар бир сигирдан 2—3 минг килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Хўжаликлардаги комсомол ташкилотлари шу кунларда чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратишга бош-қош бўлишяпти. Жойларда ёшлардан иборат дағал хашак тайёрловчи зарбдор отрядлар фаолият кўрсатяпти. Бу масъулиятли вазифани «Правда», Свердлов номли, Карл Маркс номли колхозларнинг комсомол-ёшлари муваффақиятли адо этишмоқда.

Чорвачилик равнақига маккажўхори етиштириш билан шуғулланаётган 38 та комсомол-ёшлар бригадаси ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Бригада аъзолари «каҳрабо дон» тайёрлаш билан бирга ҳар йили мўл-кўл кўк масса етиштиришиб, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишни таъминлаяптилар.

Умуман, район қишлоқ хўжалигида 4,5 минг аъзоси бўлган 144 та комсомол-ёшлар бригадаси ишлаяпти. «Политотдел», «Ленинский путь», «Ўзбекистон», Свердлов номли колхозларнинг пахтачилик ва канопчиликда эришаётган ютуқларида ёшларнинг ғайрат-шижоатлари муҳим роль ўйнаяпти.

Район комсомол ташкилотлари ёшларда актив ҳаётий позицияни шакллантириш, уларни она-Ватанга садоқат, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга жиддий аҳамият бериб келмоқдалар. Ёшларимизнинг сиёсий активлиги ўсиб бораётганлигига кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Бу борада албатта район комсомол ташкилотларида иш олиб бораётган 272 нафар ёш коммунистнинг шахсий ибрати, омилкорлиги катта самара бераётир.

Кейинги йилларда кўпгина комсомол ташкилотлари ёшлар тарбиясига комплекс ёндашишда дурустгина тажриба тўпладилар. Комсомол сиёсий ўқувида бу йил 2 мингдан зиёд йигит-қиз таълим олди. Комсомол ташкилотларида мунтазам ўтказилаётган тематик кечалар, лекция ва суҳбатлар, мунозаралар, турли хил учрашувлар ёшлар тарбиясида муҳим роль ўйнаяпти. Райондаги 13 та маданият саройлари ва уйлари, 18 та клуб ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, райондаги 38 та кутубхона ҳам йигит-қизларимизнинг севимли илм даргоҳларига айланиб қолган.

КПСС Марказий Комитети яқинда комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорда комсомол ташкилотлари фаолиятини янада активлаштириш, ёшларимизни давримизга муносиб қилиб тарбиялаш хусусида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Район комсомол ташкилоти ўз фаолиятини ушбу қарор асосида янада юқори поғонага кўтариши керак бўлади.

Биз қишлоқ ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга тўла сафарбар этиш учун бутун имкониятларни ишга соламиз. Айниқса, комсомолнинг зарбдор иши бўлган чорвачилик доимо диққат марказимизда туради. Районимиз комсомол-ёшлари улуғ Ленин номига, ишига ва васиятларига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар.

**О. ТОЛИПОВ,**
**Коммунистик район комсомол комитетининг биринчи секретари.**

СТУДЕНТ — БУНЁДКОР

# ЯРАТИШ ИШҚИ

**Областимиз олий ўқув юртлари ва техникумларининг талабаларидан ташкил топган студент-қурилиш отрядлари зарбдор объектларда жанговар меҳнат вахтасини бошлаш учун жўнаб кетди. Шу муносабат билан студент-қурилиш отрядлари область штабининг командири Ҳикмат АКРОМОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:**

Бу йил Тошкент областидан жами 15 минг 750 студент Ватанимизнинг турли бурчакларида бунёдкорлик ишларини бажаришга сафарбар этилди. Улар Тюмень, Олтой, Новгород, Иваново, Владимир, Ставрополь каби ўлка ва шаҳарларда қардош республикаларнинг йигит-қизлари билан қурилиш ишларида иштирок этаяптилар. Дастлабки кунларданоқ улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилаяпти.

Областимиз студентлари шунингдек, Бухоро областининг Газли шаҳри, Наманган областининг Поп районида бўлган зилзила оқибатини тугатиш, янги мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, уй-жойлар бунёд этишда иштирок этадилар. Бу шаҳарларга 600 йигит-қиз жўнаб кетди. Улар Боку, Ашхобод, Душанбе, Рига шаҳарларидан келган студентлар билан биргаликда 50 та турар-жой биносини қуриб, фойдаланишга топширишлари керак.

Меҳнат семестри олдидан ҳар бир олий ўқув юрти, техникумларда олиб борилган тайёргарлик ишларини кўздан кечирдик., Тошкент гидромелиоратив техникумининг «Мироб», юридик техникумининг «Товарищ» отрядларида зарбдор объектлар томон оммавий сафарбарлик эълон қилинганн, улар ҳар йилдагидек олган мажбуриятларини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилаётганлари маълум бўлди.

Тайёргарлик жараёнида барча билим даргоҳлари жанговар отрядлари агитбригадаларининг конкурси ҳам ташкил этилди. Бу кўрикда Ўрта Осиё педиатрия институтининг «Шифокор», Тошкент автомобиль йўллари институтининг «Ўзбекистон—84» агитколлективлари совринли ўринларни эгалладилар. Улар дам олиш соатларида ўзларининг қизиқарли концерт номерларини намойиш этадилар. Қардош республикалар санъат шинавандаларини ўзбек халқининг миллий куй ва қўшиқлари билан таништирадилар.

Меҳнат семестри давомида уч марта зарбдор кун эълон қилинади. Тушган маблағ ривожланаётган мамлакатлар ёшлар союзига, Гагарин шаҳрини қуриш ва ободонлаштиришга, Москва шаҳрида бўладиган XII халқаро ёшлар фестивали фондига ёрдам сифатида ўтказилади. Студент отрядлари зиммаларидаги социалистик мажбуриятларини албатта бажарадилар. Фақатгина Тошкент области қурилиш отрядлари 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширадилар. Сабзавотчилик отрядлари эса далалардаги мўл ҳосилни йиғиб-териб олиб, шаҳарликлар дастурхонига армуғон этадилар.

# ИШ ВАҚТИНИНГ ҚАДРИ

Бригадамиз 1976 йил ташкил этилганди. Ўшанда коллектив бошидан кўп қийинчиликлар кечди. Ҳаммамиз ёшмиз. Тажриба кам. Ғайрат-шижоатда ҳеч кимга бўй бермасак-да, аммо, малака етишмасди. Вақт ўтиши натижасида бригадамиз аъзолари ишда тажриба ва малака тўплай бошладилар. Цехда коллективимиз шаънига ҳам илиқ гаплар айтила бошланди.

Биринчи бор цехда ташкил этилган социалистик мусобақада ғолиб чиққанимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Шунда йигитлар мени кўтариб олиб, шодон қийқириқлар билан цехни бир айланиб чиқишди. Одам жуда ноқулай аҳволга тушар экан. Худди ҳамма ишни мен бажаргандек.

Бригадамиз ҳозирги пайтда смена топшириқларини 150—160 процентга етказиб ўринлаяпти. Биз «Иш вақти — ишга!» деган шиорга қатъий амал қиламиз. Коллективимизда меҳнат интизоми мустаҳкам. Бригадамизда меҳнат интизомини бузиш ҳоли рўй бермаганига уч йил бўлди.

Ўн биринчи беш йиллик планини 1984 йил 1 майда бажариб қўйдик. Ҳозирги пайтда бригадамиз 1986 йил ҳисобига ишлаяпти. Барча меҳнат коллективлари сингари биз ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига юксак мажбурият олганмиз. Мақсадимиз — йил охиригача пландан ташқари 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш. Аҳил бригадамиз бу вазифани шараф билан бажаришига ишончим комил.

**Н. ИСЛЯМОВ,**
**Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи.**

# ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ДАЛАСИДА

Мактабимиз комсомол комитети ўқувчиларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида қатор тадбирларни амалга ошираяпти. Биз «Узбекгидроэнергострой» тресті ёрдамчи хўжалигини ўз оталиғимизга олганмиз. Ўқувчилар ёрдамчи хўжалик хизматчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам берадилар. Ўтган йили улар 800 тонна пиёз, 42 тонна узум ва 40 тонна олмани йиғиб-териб бердилар.

Бундан ташқари, бир неча йилдан бери мактабимизда ташкил этилган ўқувчи-ёшлар бригадаси ҳам фаолият кўрсатаяпти. Бригаданинг 16 нафар аъзоси бор. Юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган ушбу коллектив маккажўхорикорлик билан шуғулланмоқда.

Мактаб комсомол комитети пионерлар дружинаси билан биргаликда «Миллион Ватанга» операциясининг муваффақиятли ўтишини ҳам таъминладилар. Ўқувчилар давлатга 2 минг килограмм макулатура, ўн тоннадан ортиқ металлом топширдилар. Мактабимизда ёш чорвадорлар ҳаракати ҳам авж олган. Ҳозирги пайтда улар ўзлари ташкил этган қуёнчилик фермасининг маҳсулотларини тобора кўпайтиряптилар.

Тўққизинчи—ўнинчи синф ўқувчилари ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида сартарошлик, тикувчилик, механизаторлик, безовчи рассом касбларини ўрганяптилар. Уларнинг кўплари мактабни битириб ана шу касблар бўйича ишлаётганлиги кишини қувонтиради.

КПСС Марказий Комитетининг комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисидаги қарорида мактабларнинг комсомол ташкилотлари ишида ташаббускорлик, ижодий фаолиятни бутун чоралар билан ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш уқтириб ўтилади. Комсомол таълим-тарбия ишининг сифатини оширишда, ўқувчиларни меҳнатга, касб-ҳунарга тайёрлашда педагогик коллективларининг ишончли таянчли бўлиши керак. Биз мактаб комсомоллари ана шу улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

**Л. АЗИЗОВА,**
**Бўстонлиқ районидаги 7-ўрта мактаб комсомол комитетининг аъзоси.**

# БЕБАҲО МЕРОС

— Тўртинчи, тўртинчи! Эшитяпсизми, мен Лочинман.

Экипаж командири кичик сержант И. Борейко дарҳол жавоб қайтарди:— Лочин, сизни яхши эшитяпман, қабул...

— Тўртинчи, топшириқни эшитинг. 121-тепаликда душман қисмлари жойлашган. Вазифа: тепаликни орқа томондан айланиб ўтиб, қўққисдан зарба билан душманни тор-мор қилиш керак. Сизнинг ихтиёрингизга 1-, 2-, 3-лар берилади. Операция учун 2 соат вақт ажратилган. Топшириқни такрорланг.

И. Борейко командирнинг сўзларини тез ва аниқ такрорлади. Сўнгра планшетдан карта олиб, 121-тепаликни топди, унга қай тарафдан осон ва сездирмай боришни дарҳол белгилаб олди. У энг оғир йўл, танклар ўтиши хаёлга ҳам келмайдиган жойдан юришга аҳд қилганди. Бу маршрут қанчалик машаққатли бўлмасин, шу йўл билангина душманни ғафлатда қолдириш мумкин эди.

— 1-, 2-, 3-, буйруғимни эшит. Мени орқамдан олға!!!

И. Борейконинг ўспиринларга хос тиниқ юзи жиддий тус олган. У оптик асбоб орқали атрофни диққат билан кузатиб бораркан ҳар замонда механик-ҳайдовчига йўл-йўриқ бериб қўярди.

Тун пардаси билан қопланган қир теппасида сон-саноқсиз юлдузлар жимирлайди. Ҳозиргина гулдираши чор-атрофни ларзага келтирган танклар кўздан ғойиб бўлди. Команда кузатиш пунктида яна атрофдаги ҳашаротларнинг чириллаши аниқ эшитила бошлади. Ичкарида хотиржамлик ҳукм сурарди. Ҳамма ўз иши билан банд. Биров журнал ўқиган, биров хаёл сурган, Фақат аҳён-аҳёнда рациядан Борейконинг қатъий оҳангдаги овози эшитилганда барча сергак тортарди. Бундай пайтларда айниқса майор В. Графнинг кўпроқ ҳаяжонланаётганлиги сезилиб қоларди. Чунки, операцияни унинг қўмондонлигидаги курсантлар амалга оширишаётган эди. Майор, хаёл билан бўлиб кимдир ўзини юпатганини ҳам сезмай қолди.

— Сиз кўп ҳаяжонланманг. Йигитларингиз бамисоли олов. Топшириқни албатта бажаришади...

Шундай бўлди ҳам. Вазифа кутилганидан ҳам аъло даражада ўринланди. «Душман» тепаликдан белгиланган вақтдан ярим соат илгари суриб чиқарилди. В. Граф қўмондонлик қилаётган батальон курсантлари — И. Борейко, Ю. Цурко, С. Аҳмедов, И. Олейкин, О. Булатов, Ю. Епифанцев, П. Гайдукевичларга билим юрти бошлиғининг ўзи ташаккурнома эълон қилди.

Бу икки марта Совет Иттифоқи қаҳрамони, бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Ленин орденли Тошкент олий танк командирлари тайёрлаш билим юрти талабалари ҳаётидан бир лавҳа холос.

Билим юрти курсантлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Умумармия комсомоли анжуманида сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга интилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўқишда ва жанговар тайёргарликда юқори натижаларга эришиш билан бирга жамоат ишларида актив иштирок этишяпти. И. Ашуров, С. Андриевский, В. Марковский, К. Шарипов, С. Ражибоев ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ВЛКСМга В. И. Ленин номи берилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада ҳам ғолиб чиқдилар.

Ҳозирги пайтда билим юртида совет халқининг иккинчи жаҳон урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракати қизғин авж олиб кетган. Билим юрти комсомол ташкилоти курсантлар ва Чирчиқ шаҳар ёшларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга айниқса алоҳида эътибор бераётир. 1984 йилнинг ўтган даври мобайнида оталиқдаги ўқув муассасаларида 200 дан зиёд курсант сўзга чиқди. Мактаблардаги «Жасорат дарслари», техникум ва ҳунар-техника билим юртларидаги ҳарбий ватанпарварлик темасига бағишланган кечаларда курсантларнинг иштирок этишлари анъанага айланиб қолди. Чирчиқлик ёшлардан кўпчилигини ҳарбий билим юртларига кириб ўқиётганлигини ушбу учрашувларнинг самараси дейиш мумкин.

Ёшларни она-Ватанга садоқат ва оталар жасоратига содиқлик руҳида тарбиялашда билим юртининг шон-шуҳрат музейи ҳам муҳим роль ўйнаяпти. Музейга 6 ой ичида 2 мингдан ортиқ томошабин ташриф буюрди, юздан зиёд ўқувчилар шу ерда пионер ва комсомол сафига тантанали равишда қабул қилиндилар.

Халқаро аҳвол мураккаблашиб бораётган ҳозирги даврда курсантларимиз она-Ватан, совет халқи олдидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қиляптилар. Улар ҳарбий билимларни ўзлаштиришда, жанговар ва сиёсий тайёргарликда доимо улуғ Лениннинг ҳарбий ишни кунт билан ўрганингиз деган доно насиҳатларига амал қилишга интилишяпти.

**Ю. ТРОФИМОВ,**
**Ҳарбий билим юрти сиёсий бўлим бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ўринбосари.**

**О. МИХАЙЛОВ,**
**батальон комсомол комитетининг секретари.**

# МАКТАБ ВА КОЛХОЗ—ҲАМКОР

Чошгоҳ пайти. Қуёш атрофни аёвсиз қиздирмоқда. «Қилт этган» шабада йўқ. Ҳамроҳимиз колхоз партия комитетининг секретари У. Мирсобиров билан бирга хўжаликнинг Анвар Мансуров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси даласи томон бормоқдамиз.

Комсомол-ёшлар бригадасининг пахта майдонлари киши диққатини ўзига жалб этади. Барқ уриб ривожланаётган ғўзаларда уч-тўрттадан кўсак, беш-олтитадан шона ва гул бор. Нарироқда чопиқ трактори ғўза ораларига ишлов бермоқда. Бригада шийпони томон юрар эканмиз партком секретари суҳбатни давом эттирди.

— Биласизми? Бу бригада асосан А. Навоий номидаги 29-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган. Азаматлар ўтган йили ғайрат-шижоатда катталардан ҳам ўзиб кетишди. 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» етиштирдилар. Давлатга 244 тонна пахта сотишди.

Ўқувчи-ёшларга тажрибали мураббийлардан сувчи Йўлдош Абдураҳмонов, Аҳмаджон Исроилов ва механизатор Эргаш Соаталиевларни бириктириб қўйганмиз. Улар 25 нафар мактаб ўқувчисига пахтакорлик сир-асрорларини пухта ўргатмоқдалар. Бу йил бригада аъзолари ажойиб ташаббус билан чиқишди. Улар бир неча йилдан бери кам ҳосил бераётган 5-бригада ерини ўзларига олишди. Очиғини айтганда бу ерда ғўзаларни бегона ўтлардан тозалаш анча мушкул эди. Ёш пахтакорлар ана шу қийинчиликни енгиб ўтишга аҳд қилдилар.

Комсомол-ёшлар бригадаси бу йил 47 гектар ерга пахта экди. Ҳозирги пайтда бу майдонларда ғўзалардан бошқа гиёҳ кўринмайди.

Атрофига сабзавот, полиз маҳсулотлари, сада-райҳонлар экилган шинамгина дала шийпонига келдик. Бу ерда бизни бригада сардори Анвар Мансуров кутиб олди. У ўз коллективи олдида турган вазифалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Бу йил ҳосилдорликни 40 центнердан ошириб давлатга 200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотишга аҳд қилганмиз. Етиштирилган ҳосилнинг 80 процентдан ортиғини машиналар ёрдамида териб оламиз. Юбилей йили мўл ҳосили учун курашда бригада аъзоларидан Чўлпаной Абенова, Обида Зокирова, Сайёра Абдураҳмонова, Олим Мирзабоев, Зокир Раимовлар ўзаро социалистик мусобақа ғолиблари бўлишмоқда. Шу кунгача ғўзаларга икки марта шарбат суви ва тўрт марта ишлов бердик, минерал ўғитлар билан етарли равишда озиқлантирдик.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида ёш авлодни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш бутун жамоатчиликнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг вазифасидир, дейилади. Шу кўрсатмалар асосида Навоий номли колхоз ва 29-ўрта мактаб ўртасида ажойиб ҳамкорлик юзага келган. Ўқувчи-ёшлар бригадаси аъзоларининг кўпчилиги ўрта мактабни тугаллагач колхозда қолиб ишлаб сиртдан таълим олмоқдалар. Ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда А. Мансуров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида фидокорона меҳнат қилаётган ўқувчи-ёшлар ҳам келажакда пахтакорлик касбини ардоқлайдилар.

**Г. МАМБЕТОВА,**
**Чиноз районни.**

